# ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ...

(Боши 1-бетда).

– Астароқ айтасизми, 200 гектар канопимиз, 310 гектар ғалламиз, бошқа зироатларимиз ҳам бор. Буёғи каноп ўрими, пахта терими... Деҳқон қачон жим ўтирган.

Раис тўғри гапни айтди. "Дўстлик" жамоа хўжалиги меҳнаткашлари қилаётган ишдан меҳмонлар хурсанд бўлишди. Уларга мўл ҳосил олишда омад тиладилар.

"Ўзбекистон" фермерлар уюшмаси тажриба хўжалигида самарқандликлар янгиликка дуч келишди. Бу ерда пахта етиштиришда ўзига хос бир тажриба қўлланилаётган экан. Гап шундаки, Исроилнинг "Нетаф" фирмаси билан мазкур хўжалик ўртасида шартнома тузилган. Унга биноан Исроил мамлакатидан сув тиндириб берадиган катта агрегатлар олиб келиниб, дала бошида ўрнатилибди. Шлангалар орқали ундан борган сув эгатларга таралади. Бу услубнинг хосияти шундаки, майдонларга солинган азот маъданли ўғитлари ювилнб кетмайди, ерга сингиб, тўппа-тўғри ғўзанинг илдизигача бориб етади. Бунда кўчат тез ривожланади, барвақт ҳосилга киради, кўсаклар шиғил бўлади.

Хўжаликда икки ерда -47 гектарлик ва 25 гектарлик ердаги ғўзалар ана шундай томчилаб суғориш услубида парвариш қилинаяпти. Бригада бошлиғи Икромхон Аҳмедов оғзидан 40-45 центнер ҳосил олмоқчимиз, деган сўзни эшитган самарқандликлар бу услубнинг "каромати"га ишонч ҳосил қилдилар ва тез орада буни ўз вилоятларидаги хўжаликларда жорий этишга аҳд қилдилар.

Шундан сўнг мусобақадошлар Оққўрғон, Бўка, Пискент, Ўртачирчиқ туманларидаги пахтазорларни кўздан кечирдилар, ютуқларни қайд қилнб, кўзга ташланган камчиликларни кўрсатдилар.

Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон" ширкат хўжалигининг Сойиб Қўшмуродов бошлиқ бригадасида бўлганларида меҳмонлар ўзгача бир сурур шоҳиди бўлдилар. Ҳар ер-ҳар ерда очилган пахта чаноқлари "Мана, мен нишонаман, кўзингизга суртинг" деяётгандек мўралаб турарди. Пахтакорлар оппоқ момиқларни олиб ўпишди ва чеккаларига тақиб олишди.

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Бобур номли ширкатлар уюшмаси раиси Салим Ҳабибов шундай деди:

– Биз Бекобад туманидаги қатор хўжаликларда бўлдик. "Далварзин", Ойбек номли жамоа хўжаликларида яхши ҳосил етиштирилибди. Туманда чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик юмушлари ҳам маромида кетяпти.

– Қандай камчиликлар кўзга ташланди?

– Мендан хафа бўлманглару, иш бор жойда камчилик бўлади. Лекин, ҳозирги пайт хатоларни, камчиликларни рўкач қиладиган пайт эмас. Ҳозир одамларни руҳлантириш керак, уларнинг кучига куч қўшиш керак. Кемтик жойлар эса ўз-ўзидан ана шунда барҳам топиб кетади.

Самарқандликларнинг бир гуруҳи Зангиота туманида бўлиб, "Наврўз" жамоа хўжалиги, "Эркин" илмий-ишлаб чиқариш агрофирмаси, Улуғбек номли ва "Бўзсув" хўжаликлари ишлари билан танишдилар. Самарқанд туманидаги "Мароканд" жамоа хўжалиги раиси Толиб Норбоев ишлаб чиқаришдаги янги тажрибалар билан қизиқди. Унинг фикрича, асосий эътиборни уруғчиликка қаратиш керак. Биз "Голландия картошкаси" дейишга ўрганиб қолганмиз. Лекин, у ҳам ер танлар экан, – деди у Жумладан, "Бўзсув" жамоа хўжалигидаги 10 гектар майдонда у яхши ҳосил берибди. Лекин, ишлов беришда Голландия технологиясидан тўлиқ фойдаланилмаган. Баъзи ерларга эса, назорат ва текширувдан ўтказилмаган Голландия картошкаси уруғлари экилган. Улардан эса кутилганидан кам ҳосил олинибди. Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлар фақат ўз манфаатларинигина ўйламасликлари лозим. Улар макка, карам, сабзи, помидор ва бошқа экинлардан ҳам сара уруғ етиштириб беришни мақсад қилиб қўйишлари керак.

"Эркин" агрофирмаси ҳамда "Бўзсув" хўжалигида олинадиган уруғларга истиқболда етиштириладиган ҳосилимиз тақдири боғлиқ бўлади. Уруғчиликда таваккалчиликка, ўзибўларчиликка таянмаслик керак. Уруғчилик давлат ва шу йўлда ишлайдиган хизматлар назоратида бўлиши лозим.

Самарқандлик меҳмонларни, жумладан, хўжаликларда меҳнатни ташкил қилиш ишлари ҳам қизиқтирди. Хусусан, улар "Наврўз"да бўлганларида ана шу саволга жавоб изладилар. Меҳнат самарадорлигини оширишда оилавий пудратга ўтиш яхши натижалар бераётир. Акмал Икромов номли хўжаликда эса ишлар мутлақо янгича ташкил этилган. Бутун хўжалик бир нечта фермер хўжаликларига бўлиб берилибди. Уларнинг ҳисоб-китоблари ҳозирча умумий, лекин, даромадлар кейинчалик ҳар кимнинг улушига қараб тақсим қилинади.

"Эркин" агрофирмасида илм-фан билан амалиёт қўшиб олиб борилмоқда. Шундоқ даланинг бошида – жўхоризорда қаламча қилинмоқда. Офарин!

Чорвачилик мажмуасида эса, сутлар соғилган заҳотиёқ махсус агрегатларда совутилмоқда. Шу йўсинда табиий йўқотишга барҳам берилмоқда.

Ўзаро фикрлашувлар, мулоқотлар тажриба алмашувларнинг самараси ўша куннинг ўзидаёқ кўзга ташлана бошлади. Мусобақадошлар жойларда бўлганларида бир нечта ҳамкорлик, маҳсулот алмашиш, ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномаларга имзо чекдилар. Жумладан, меҳмонлар Ўзбекистон дастгоҳлар қурилиши заводида бўлганларида тракторлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрланаётгани билан қизиқиб қолдилар. Жойлардаги қишлоқ хўжалиги техникаси бўлинмаларида уларни қидириб топиш амримаҳол. Бу ерда – заводда эса, улар узлуксиз ишлаб чиқарилмоқда. Корхона директори Борис Сорокин кулиб огоҳлантиради:

– Шошилинглар, самарқандлик дўстлар, картер ва бошқа деталларга талаб жуда катта. Ҳозирнинг ўзидаёқ буюртма бераверинглар...

Ўртаовул ижара корхонасида ҳам мусоҳаба шу йўсинда давом этди. Буни қарангки, МДҲ давлатлари орасида фақат шу ердагина тракторлар учун гидронасослар ишлаб чиқарилар экан.

Қизиғи шундаки, қишлоқ туманларида пойтахт вилояти саноати бунёд этила бошлади. Меҳмонлар бунга дарҳол эътибор бердилар. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасига зарур эҳтиёт қисмлардан келадиган фойда ҳадемай ўзини кўрсатади.

Вилоятимизнинг деярли барча туманларида бўлган самарқандлик мусобақадошлар пайшанба куни Янгийўлдаги "Ниёзбош" жамоа хўжалигига якун ясаш учун тўпландилар. Якуний мулоқотда Самарқанд вилояти ҳокими П. М. Абдураҳмонов шундай деди:

– Чинини айтганда, биз Тошкент вилоятига яхши ниятлар билан келдик. Бинобарин, Тошкент вилояти азалдан яхши ишлар бошланадиган макон ҳисобланган. Тажриба алмашиш, мусобақалашишнинг асл мағзи ҳам бир-биримизга дўстона, барча соҳаларда астойдил ёрдам бермоқликдан иборатдир. Сизларда пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик соҳасидаги ишлардан кўп нарсалар ўргандик. Лекин, бизни ижтимоий соҳадаги баъзи камчиликлар бироз хафа қилди. Бизнинг назаримизда қурилишларни, шарқона меъморчилик асосидаги бунёдкорлик ишларини янги поғонага олиб чиқмоқ зарур. Бизларни Чиноз, Ўртачирчиқ, Бекобод, Бўка, Оққўрғон ва бошқа туманлардаги баракали пахта ҳосили хурсанд қилди. Аммо айрим жойларда ҳашаротларнинг борлиги кўзга ташланди. Улар пахтага азоб бериб қўйибди. Ўргимчаккана ўзи жуда ёмон нарса. Келажакда алмашлаб экиш усули билан ўргимчакканани буткул йўқ қилиш мумкин.

Пахтазорларни айланар эканмиз, сувсаган жойларга ҳам кўзимиз тушди. Айрим жойларда ғўзани чилпиш ишлари сифатсиз ўтказилган. Назаримда энди дефолиацияга пухта тайёргарлик кўриш керак.

Чорвачилик, ғаллачилик, серҳосил навлар яратишдаги ишларни охирига етказмоқ лозим. Жумладан, бизларда олим Худойқулов етиштирган буғдойнинг ажойиб навлари бор.

Сўнгги бирга ўтган икки кунимиздан шундай хулоса чиқариш мумкин: бу кунларнинг ҳар бир соатигина эмас, ҳар бир дақиқаси ҳаммамиз учун фойдали бўлди. Эндиги вазифа – олдимизда турган улуғ айём – республикамиз мустакиллигининг уч йиллиги байрамини барча соҳада муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш – ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов шундай деди:

– Менимча, йиғилганларнинг ҳаммаси мана бу алвонга ўз эътиборини қаратган бўлиши мумкин. Унда Президентимиз И. А. Каримовнинг "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак", деган сўзлари битиб қўйилибди. Чиндан ҳам шундай. Амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимиз, қад кўтарадиган биноларимиз, обод бўлган кўчаларимиз келажак авлодларга арзигулик туҳфаларимиз бўлади. Бу туйғулардан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Ҳар бир инсоннинг, шу жумладан, сиз ва бизнинг вазифамиз халқимизга, жонажон юртимизга астойдил, чин юракдан эътиқод билан хизмат қилмоқликдир. Шундагина биз ўз олдимизга қўйган инсоний бурчимизни тўлиқ адо этган бўламиз.

Улуғ байрам – республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги арафасида турибмиз. Ҳамма ерда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам, Тошкент вилоятида ҳам бу қутлуғ санани муносиб кутиб олишга катта тараддуд кўрилмоқда. Сиз ва биз эришган ютуқлар бу байрамга муносиб туҳфа бўлади. Дўстона маслаҳатларингиз, катта кўмакларингиз учун ташаккурлар айтаман! Яна кўришгунча хайр, азиз мусобақадошлар!..

**Р. УМАРОВ,**
**А. ПУКЕМОВ.**

*• Тошкент вилояти — Жанубий Қозоғистон вилояти*

# ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Пойтахт вилоятимиз билан Жанубий Қозоғистон вилояти ўртасида ҳар томонлама йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб, кўлами кенгаймоқда. Икки халқ ўртасида қадим замонлардан бери давом этиб келаётган дўстлик, ҳамжиҳатлик, Марказий Осиёнинг бу икки йирик давлатлари ўртасида таркиб топган қардошлик ва қондошлик ришталари, икки мамлакат Президентларининг ўзаро яқин мулоқотда бўлишлари, Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари ҳокимликларининг халқ хўжалигининг барча соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари шунга олиб келмоқда.

Тошкент вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан Жанубий Қозоғистон вилояти бандлик маркази – меҳнат биржаси жамоалари ўртасида ташкил этилган ва муттасил мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик ҳам шу омиллар натижаларининг биридир. Бошқарма ва бандлик маркази раҳбарликлари ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришнинг янги-янги имкониятларини ҳам излашни давом эттирмоқдалар. Шу мақсадда ҳамкорликни шартнома асосида олиб боришга қарор қилинди.

Куни кеча Тошкент вилояти ҳокимлигида икки жамоа ўртасида тузилган шартномани имзолаш тантанаси бўлиб ўтди. Бу маросимда қатнашган Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбоев, шартномага имзо чекканлар Тошкент вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоев ҳамда Жанубий Қозоғистон вилояти бандлик маркази – меҳнат биржаси бошлиғи Б. Қувончбековлар ўзларининг қисқача нутқларида шартноманинг икки вилоят учун аҳамияти, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, қардош халқлар фаровонлигига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Жанубий Қозоғистон вилояти меҳнат биржаси вакиллари делегацияси таркибида Чимкент шаҳар бандлик маркази – меҳнат биржаси директори М. Каскабоев, Тўлабий райони меҳнат биржаси директори Э. Умирбеков, Ўрдабоши райони меҳнат биржаси директори Т. Ўтаровлар ҳам бор. Делегация аъзолари эрталаб вилоятимизга ташриф буюришлари билан Тошкент тумани ҳокимлигида қабул қилиндилар. Туман ҳокими Р. Акбаров меҳмонларга туманда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар, уларнинг самараси ва бу соҳадаги айрим муаммолар ҳақида қисқача гапириб берди. Шундан сўнг қозоғистонликлар туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимининг фаолияти билан муфассал танишдилар.

Делегация аъзолари куннинг иккинчи ярмида гуруҳларга бўлиниб, вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳрига, Зангиота ва Бўстонлиқ туманларига ташриф буюрдилар. Бу ерда ўз ҳамкасбларининг иш тажрибаси билан танишдилар, ишни яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

*• Диққат, янгилик!*

## "Пейджинг" — янги алоқа воситаси

Республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида фаолият кўрсатаётган "Камалак ТВ" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси саъй-ҳаракати туфайли мустақил жумҳуриятимизга янги ва замонавий алоқа воситаси — "Пейджинг" кириб келди. 10 август куни пойтахтимиздаги муҳташам телеминора биносида "Пейджинг"ни жамоатчиликка таништириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Тоҳир Раҳимов мазкур қўшма корхона жумҳуриятимизда алоқа хизматини яхшилашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

**ЎзА.**

*• Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги уч йиллиги олдидан*



# УЛУҒ БАЙРАМ ЙЎҚЛАМАСИ

## БЕКОБОД ТУМАНИ

ҲАММА жойда бўлгани каби бизнинг туманимизда ҳам шу кунларда жумҳуриятимиз мустақиллигининг шонли уч йиллик тўйини муносиб нишонлаш учун қизғин ҳозирлик ишлари бормоқда. Байрам ҳар бир фуқарога шодон кайфият бағишлашига ишончим комил. Нега деганда, бу улуғ сана моҳият жиҳатидан ўзига хос муҳим аҳамиятга эгадир. Буни тўғри англаган туманимиз аҳолиси тўйда муносиб тўёналар билан иштирок этадилар. Бу бизнинг ўтган уч йил давомида турли соҳаларда эришган ютуқларимиз, қўлга киритган кўрсаткичларимиз бўлади.

Ўтган вақт мобайнида кўплаб соҳаларда бирмунча ишлар қилинди. Хусусан, бу йилги натижаларимизни аввалги йиллардаги кўрсаткичларга таққослаб кўрадиган бўлсак, саноат ва қурилиш соҳаларида 4,2 фоиз ўсишга эришилди, қишлоқ хўжалигида ҳам силжишлар бор. Туманимиз заршунослари пилла тайёрлаш режасини анча ошириб адо этдилар. Ғалла бўйича давлат буюртмаси бажарилди. Ўтган йилнинг олти ойлик кўрсаткичларига нисбатан ҳозиргача 29 тонна гўшт, 20 тонна сут ва 1000 тонна кўп сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил олиш кутилмоқда. Умуман, бу йил бекободликлар 47 минг 500 тонна пахта, 1980 тонна гўшт ва 11 минг 500 тонна сут етказиб бериш режасини ўз зиммаларига олганлар. Аҳдга эришиш учун ҳозирдан ҳамма имконият ишга солинмоқда.

Мустақиллик ҳақида гап борар экан, унга эришилгач, авваллари унут бўлаёзган ўзликка қайтиш, миллий урф-одат ва тамойилларимизнинг яна янгитдан ривож топа бошлаганлигини ҳам ифтихор билан таъкидламоқ лозим. Мана муҳим масалаларни ҳисобга олган ҳолда биз қурилиш, ободончилик, маданият ва бошқа соҳаларда қандай иш қилмайлик, биринчи навбатда миллий анъаналарни камол топтиришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик. Жойларда таълим тарбиянинг ўчоғи ҳисобланган оталар чойхоналари қурилишини кўпайтиришга ва шундай йўллар билан уруш ва меҳнат фахрийлари бўлган кекса авлодга етарли шарт-шароитлар яратиб беришга интилдик. Мавлонов номли жамоа хўжалигида бу борада намунали қурилиш ишлари амалга оширилди. Айниқса, Улуғбек жамоа хўжалигининг қатор қишлоқларида замонавий шарқ меъморчилиги асосида шинам ва гўзал чойхоналар қурилдики, бундай қурилиш намуналари камдан-кам учрайди. Айни вақтда Зафар шох бекати атрофларида ҳам ургутликлар тажрибасига монандла турли хил хусусий ва кичик корхоналар ҳисобидан дўконлар, бошқа савдо шоҳобчалари бунёд этилмоқда. Карвонсарой қурилишидаги ишлар ҳам намунали бормоқда. Бу масканда туманимиз ҳудудидан ўтиб бораётиб, бир пиёла чой ичиш истагида тўхтаган ҳар қандай йўловчи учун ўта қулай имкониятлар яратилади. Ошхона, меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари фаолияти йўлга қўйилади.

Албатта, ҳамма соҳаларда кўзда тутилган ўзгаришларни қиладиган, ўз меҳнатлари билан режалаштирилган ишларни таъминлаётганлар одамлардир. Шундай экан, аҳолининг яхши ишлаши учун уларнинг турмуш тарзлари ҳам, яшаш шароитлари ҳам рисоладагидек бўлмоғи лозим. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз ўтган йиллар ичида хонадонларга биринчи навбатда лозим бўлган шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилдик. Табиий газ қувурлари етиб бормаган кўплаб қишлоқлар газлаштирилди. Шу кунларда тумандаги "Ўзбекистон", "Далварзин" ва Навоий номли жамоа хўжаликларида газлаштириш ишлари давом этаяпти. Бошқа муҳим соҳаларда ҳам ўзгаришлар қилиш, лозим бўлган қулайликларни яратиш эътиборимиздан четда қолмади. Марказий касалхона биносини таъмирлашга катта миқдорда маблағ ажратилди. Халқ таълими соҳасида тумандаги иқтидорли болаларни танлаб олиб ўқитиш мақсадида алоҳида махсус гимназия мактаби очилди. Бу илм масканида бир йилда икки синф маълумотларини ўзлаштириш синаб кўрилмоқда. Маданият уйларининг фаолиятларини яхшилаш юзасидан ҳам бир қатор ишларни йўлга қўйдик. Зарур жиҳозлар олиб берилди. Бугунги кунда тумандаги "Зафар тароналари" бадиий ҳаваскорлик дастасининг довруғи жумҳуриятга ёйилган.

Туманимизда бозор муносабатларини ҳар томонлама шакллантиришда асосий омил ҳисобланган иқтисодий ислоҳотлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда. Жумладан, илгари мавжуд бўлган 8 та давлат хўжалиги жамоа хўжалигига айлантирилди, 1 та хўжалик ширкат, 1 таси кооператив бўлди ва яна бир хўжалик эса корпорацияга айлантирилмоқда. "Шоликор", Бобур номли, "Хос", "Далварзин" ҳамда "Навбаҳор" жамоа хўжаликларидаги сут-товар фермалари хусусийлаштирилди. Бу ҳаракат қолган жамоаларда ҳам қизғин давом этаяпти. Мен ҳоким сифатида деҳқон-фермер хўжаликларини кўпайтириш тарафдориман. Вилоят туманлари раҳбарлари билан бирга Францияга бориб, у ердаги ишбилармонлар фаолиятини ўз кўзимиз билан кўриб келгач, бу соҳага бўлган эътиборимиз яна ҳам кучайди. У ерда деҳқон фермерларнинг вазифаси фақат ишлаб чиқариш, маҳсулот тайёрлашдан иборат. Қолган юмушларни бошқалар амалга оширади. Биз ҳам келажакда шунга эришишимиз керак. Ҳозир туманимизда 124 та фермер хўжалиги мавжуд, уларга кўзда тутилган 1700 ўрнига бу ҳаракатни ҳар томонлама ривожлантириш учун 2700 гектар ер ажратиб берганмиз. Турли кичик, хусусий ва қўшма корхоналарни кўпайтириш, янги иш жойларини барпо этиш йўлида ҳам қатор ишларни амалга ошираяпмиз. "Далварзин" да Швейцариянинг қўшма корхонаси анчадан буён фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамоа аллақачон жумҳурият хазинасига 220 минг америка доллари миқдорида ҳисса қўшишга эришди, бу ерда яна ҳозир Тўйтепада маҳсулот ишлаб чиқараётган Туркиянинг қўшма корхонаси билан янги корхона очиш режалаштирилмоқда. Келгусида ислоҳот йўлидаги ишларимизни яна ҳам чуқурлаштириб, туман аҳолиси учун паррандалар етказиб берадиган инкубациялар очиш, 2-3 гектар майдонда балиқ хўжалиги яратиш режаларимиз бор.

Мустақиллик байрами менинг назаримда меҳру-мурувват, ўзаро биродарлик, одамлар ўртасидаги оқибат масалаларининг нечоғли эканлигини ҳам кузатадиган маросимга айланиб бормоқда. Биз бу борада ўтган уч йил ичида анча тажриба тўплаб олдик, қўлимизда тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг аниқ рўйхатлари ҳам бор, Кўплаб оилаларни ташкилот ва корхоналарга бириктиб қўйганмиз. Ҳатто, ҳокимлик ҳам ўз оталиғига олган хонадонлар бор. Мана шу мақсадга қаратилган махсус фонд ҳам очганмиз. Байрам куни, аввало, шундай оилалар йўқланади, уларга ҳайриялар улашилади, турли тўй ва томошалар ташкил қилинади, кексалар, меҳнат ва уруш фахрийлари алоҳида иззатда бўладилар. Қишлоқларда, хўжаликлар ҳудудларида, корхона ва ташкилотларда анча аввал бошланадиган байрам тантаналари 1 сентябрь куни эрта тонгдан туман маркази Зафарга кўчади.

**Муҳамадали РАСУЛОВ,**
**Бекобод тумани ҳокими**

## ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

— ИСТИҚБОЛИМИЗНИНГ бош мавзуи, тамал тоши ҳисобланмиш — иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимиз мазмунига чуқур сингиб кетди, —деди махсус мухбиримиз билан суҳбатда Қуйичирчиқ тумани ҳокими Рустам КАРИМОВ. — Эндиликда ўз фаолиятимизга ана шу ислоҳотларнинг бориши, бу йўлда эришилаётган ютуқлар, иш натижаларига қараб баҳо бераётганимиз мутлақо табиийдир.

Биз ҳам ўз фаолиятимизни ана шу мезон асосида олиб бораяпмиз. Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида туманда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан аниқ дастур ишлаб чиққанмиз ва унга таянган ҳолда иш юритяпмиз.

Яқинлашиб келаётган республикамиз мустақиллигининг уч йиллигига ҳозирлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш айни вақтда бир йиллик фаолиятимизга ўзига хос якун, тўй ҳисоботи ҳамдир. Бир оғиз сўз билан айтганда, тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг муқаддас удуми. Туманимиз меҳнаткашлари ҳам бу удумга доим содиқ қолиб келмоқдалар. Ўзларининг меҳнат жабҳасидаги ҳамма ютуқларини улуғ байрамга бахшида этмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишда туманда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини яна бир бор чуқур таҳлил этиб, йилни яхши якунлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олдик.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида кўп миллатли туманимиз меҳнаткашлари фидойилик кўрсатиб ишламоқдалар, уюшқоқлик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу меҳнат кўтаринкилиги, ўз меҳнати самараларидан манфаатдорлик кайфияти, шубҳасиз, қувончли натижалар бермоқда. Туманда деҳқоннинг биринчи катта ҳосили — давлатга пилла сотиш режаси ошириб бажарилди, қабул пунктларига 117 тонна саноат хом ашёси етказиб берилди. Ғаллакорларимиз, айниқса, катта зафар қучдилар. Режадаги 8100 тонна ўрнига 11 минг тонна дон тайёрлаб, ғалла мустақиллиги учун кураш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда пахта, шоли, каноп, сабзавот, картошка далаларида ва боғ-роғларимизда зарбдор қирқ кунлик меҳнат беллашуви давом этмоқда. Бу йилги мавсумда 36 минг тоннадан зиёд пахта, 22,5 минг тонна каноп, 10 минг тонна сабзавот, 4,5 минг тонна картошка, 5800 тонна мева, 8700 тонна узум етиштириб, давлатга сотишимиз керак. Ҳадемай, катта ҳосил карвонлари йўлга чиқади. Ҳозиргача Тошкент шаҳри аҳолисига 800 тоннадан зиёд картошка, 1 минг тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари, мева-чева етказиб берилди. Туманимиз хўжаликларини бугун айланган киши далаларда мўлжалдагидан ҳам баракалироқ ҳосил жамғарилаётганлигининг шоҳиди бўлади.

Чорвачиликдаги аҳвол анча ўнглаб олинди. Қишли-қировли кунларга, айниқса, ҳозирги кунлардан бошлаб, пухта ҳозирлик кўрилаётир. Жорий йилнинг ўтган ярим йиллик кўрсаткичларини таҳлил этадиган бўлсак, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ўсишга эришилганини кўрамиз. Жумладан, бу йил ўтган йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 1340 тонна кўп озуқа, 1285 тонна кўп дағал хашак жамғарилиб, 55 тоннадан анча зиёд сенаж бостирилди.

Фермер-деҳқон хўжаликлари ишини тўғри ва изчил йўлга қўйиш — иқтисодий ривожланиш дастурининг асосий бўғини саналади. Бу йўлда маълум ишлар амалга ошириб келинаяпти. 1993 йилда туман хўжаликларида 28 фермер хўжалиги ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида уларнинг сони икки бараварга ошди. Фермер хўжаликларининг мустақил ривожланиши учун минг гектардан зиёд ер, 1 миллиардга яқин маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда уларнинг қарамоғида 1036 бош қорамол бор. Шу ўтган ярим йил ичида фермер хўжаликлари 706 тонна сут, 57 тонна гўшт етиштирди. Фермерларнинг сони йил охирига бориб 110 нафарга, чорва моллари туёғи 2500 бошга етади. 1700 тонна сут, 8 тонна гўшт ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 87, 88-қарорларини амалга ошира бориб, туманда 22 та фермадан 11 таси хусусий мулк сифатида фуқароларга ҳужжатлаб берилди. Жорий йилнинг ўтган ярмида хусусий фермерлар томонидан 137 тонна гўшт, 3142 тонна сут етиштирилди. Яъни ўтган йилга қараганда 17 тонна кўп гўшт, 22 тонна кўп сут ишлаб чиқаришга эришилди. Чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш шу йилнинг охирига бориб тўла якунланади.

736 гектар ерда деҳқончилик қилаётган 60 та фермер хўжаликларида ҳам жорий йил натижалари жуда яхши бўлиши кутилмоқда.

Мулк шаклини ўзгартириш билан боғлиқ бошқа иш ар ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Тумандаги 6 та давлат хўжалиги нодавлат хўжалик турига айлантирилди ва ўтган хўжалик йилини зарар билан якунлаган 5 та жамоа хўжалиги йириклаштирилиб 2 та янги жамоа хўжалиги ташкил этилди. Улар ўтган ярим йилликни соф фойда билан якунладилар. Хусусийлаштириш халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Уй-жойларни хусусийлаштириш поёнига етказилди.

Тумандаги жами 10 та саноат корхонаси жорий йилнинг ўтган ярим йилида фойда олиб ишлаб, 10 миллиард сўм-купонлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Соф фойда 2 миллиард сўм-купонни ташкил этди.

Туманда аҳолини ёппасига иш билан таъминлаш дастури асосида иш олиб бораяпмиз. Шу йилнинг ўзида 81 та кичик цехлар ташкил қилиниб, 426 киши иш билан таъминланди. Кечагинада туман матлубот жамиятлари уюшмасининг консерва цехи ишга туширилди. Цех йилига 500 минг банка консерва маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Энг қувончли томони шундаки, 60 нафар қишлоқ фуқароси ишли-жойли бўлди. Тумандаги "Гулистон" жамоа хўжалигида "Ўзбекистон-Америка-Корея-Райзинг Стар" қўшма фирмаси, арқон тўқиш ва тикувчилик фабрикаси, крахмал, Туркия билан ҳамкорликдаги "Гульмердери" фабрикаси, Отажонов номли жамоа хўжалигида Исроил билан ҳамкорликдаги вино ва шарбатларни қадоқлаш, "Балиқчи" ишлаб чиқариш бирлашмасида Сибир Фаилар академияси билан хамкорликдаги қўшма корхоналар тўла қувват билан ишга тушгач, янги юзлаб ишчи ўринлари бунёд этилади.

Туманда маориф, маданият ва ижтимоий ҳаётда, соғлиқни сақлаш, ободончилик, уй-жой қурилиши ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ бошқа соҳаларда ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида туманда 504 миллион сўм-купонлик капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. 5 километр масофага газ қувурлари ётқизилди, 380 дан ортиқ хонадонга табиий газ ўтказилди. Байрам арафаси кунларида Солдатск шаҳрида 3-сон қишлоқ қурилиш комбинатининг савдо маркази, Улуғбек номли жамоа хўжалигининг Чақмоқ бўлимида 95 ўринли болалар боғчаси, Отажонов номли жамоа хўжалигида Тошовул фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси, "Балиқчи" хўжалиги ҳудудида 180 ўринли, икки қаватли янги қўшимча мактаб биноси ва бошқалар фойдаланишга топширилади.

Улуғ байрам шукуҳи аллақачонлар қалбимиз тўри, меҳнатимиз ғururидан жой олиб улгурган. Жойларда ҳозирданоқ байрамга бағишлаб турли учрашувлар, адабий кечалар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Лекин, асосий тантаналар 30—31 август кунлари жойларда ва 1 сентябрь куни туман марказида ўтади. Байрам тантаналаримизга марҳамат!..

*14 август — қурувчилар куни*

# БИНО ҚУРГАН БАҚО ДЕЙДИЛАР



ЭРТАГА қурувчилар куни. Бу соҳанинг турли тармоқларида самарали меҳнат қилаётган бунёдкорлар ўзларининг анъанавий касб байрамларини кенг нишонлайдилар. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз вилоят колхоз қурилиш трестига қарашли Пискентдаги ижара асосида фаолият кўрсатаётган 15-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Авазхон ОҚИЛОВ билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Авазхон ака, жамоангиз қурувчилари ўзларининг касб байрамларини қандай кутиб олмоқдалар?

— Албатта, ҳар бир соҳанинг ўз касб байрами бўлиб, бу менинг назаримда, аввало, ўша тармоқ ходимларига бўлган ҳурмат ва эътиборни англатади. Мана шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, 14 август ҳар бир қурувчи учун алоҳида кун ҳисобланади. Биз ўзимиз учун қутлуғ бўлган бу санани, айниқса, жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилингандан буён ҳар йили алоҳида кўтаринки кайфият билан кутиб олишга одатланганмиз. Учинчи йилдирки, трестимизга қарашли қурилиш ташкилотларида ўз байрамларини меҳнатдаги қувончли ютуқлар билан қаршилаш анъанаси катта тамойилга айланиб бормоқда.

Хусусан, биз ўтган йили ҳам бу байрамни бир кунда 250 нафар беморни қабул қила оладиган клиникаси билан 150 ўринли беморга мўлжалланган туман марказий касалхонаси биносини, 360 ўринли боғчани, Охунбобоев номли ва "Дўстлик" жамоа хўжаликларида ҳар бири 250 ўринга мўлжалланган мактаб биноларини фойдаланишга топширган ҳолда кутиб олган эдик.

Бу анъана бу йил ҳам давом эттирилди. Ўтган ярим йил ичида турли бунёдкорлик ишлари бўйича қатор ютуқлар қўлга киритилди. "Наврўз" байрами кунига ўзининг муҳташамлиги билан алоҳида ажралиб турадиган туман марказий жамғарма банки биносини тантанали суратда фойдаланишга топширдик. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида мазкур бинони омонатчилар учун ўта қулай қилиб бунёд этa олганлигимиздан ўзимиз ҳам мамнунмиз. Шу билан бирга Президентимиз "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этишга доир фармонларини бажариш юзасидан ҳам зиммамизга кўплаб мактаблар қуришни олган эдик. Ана шу мақсадда шаҳардаги Фурқат номли мактабнинг 300 нафар ўқувчига мўлжалланган янги биноси қурилишида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, бинонинг энг мураккаб ҳисобланган дастлабки жараёнлари ниҳоясига етказилди. Юз ўринга мўлжаллаб қурилаётган профилакторий биноси қурилишида ҳам бир неча босқичдаги қурилиш ишларини амалга оширишга эришдик.

Худди шунингдек "Туркистон" жамоа хўжалигининг марказида ҳам 300 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси қуриб битказилди. Мазкур илм маскани 1 сентябрдан бошлаб ўқувчиларни ўз бағрига олади. Умуман ўтган олти ой давомида жамоамиз қурувчилари ўз кучлари билан 475 миллион 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бош пудрат асосида эса бу кўрсаткич 824 миллион 300 минг сўмни ташкил этди. Аҳолига 6 миллион 800 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш хизмати кўрсатилди. Юқоридаги бажарилган ишлар ҳисобига жамоамиз 80 миллион сўм соф даромад қилди.

Бу кўрсаткичларга асосланиб, шу нарсани мамнун ҳолда таъкидлаш мумкинки, қурувчиларимиз ўз касб байрамларига ҳамда ҳадемай кенг нишонланадиган жумҳуриятимиз мустақиллигининг шонли уч йиллик тўйига ана шундай муносиб меҳнат совғалари билан келяптилар. Биз бугун жамоамизда бошқаларга ибрат кўрсатиб самарали меҳнат қилаётган Рауфхон Жабборов, Абдувоҳид Бекматов, Рустамхон Отахонов ва Ғуломжон Раимжоновлар етакчи бўлган бригада ишчилари номини ифтихор билан тилга оламиз.

— Бизга туман ҳокимлигидан маълумот беришларича, сиз раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаси тумандаги энг яхши ва намунали оталиқ ташкилоти ҳам ҳисобланар экан.

— Оталиқ ёрдамларининг ҳаммаси хайрия сифатида амалга оширилиши учун, билмадим, бу ҳақда батафсил гапириш жоизмикин? Мен айрим фактларнигина мисол келтиришим мумкин. Биз шаҳримиздаги "Митан" маҳалласига ва Фурқат номли ўрта мактабга оталиқ ёрдами бериб боришни ўз зиммамизга олганмиз. Ўтган давр мобайнида бу масалада ҳам унча-мунча ишлар қилдик, деб ўйлайман. Масалан, иккинчи жаҳон урушида алоҳида мардлик намуналарини кўрсатган пискентлик партизан Карим Юсупов номи билан аталаётган кўчани электр чироқлари билан тўлиқ ёритиб бердик. Маҳаллага қарашли бошқа кўчаларда ҳам ободончилик ва озодагарчилик ишларини амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келяпмиз. Ҳар ҳафтада маҳалла манфаати учун ташкилотимизга қарашли техникалардан ажратамиз. Яқинда 800 минг сўм пул ёрдами ҳам кўрсатдик.

Фурқат номли мактаб эса туман мактаблари ўртасида биринчи бўлиб, бундан бир ярим ой аввал янги ўқув йилига тайёрлаб берилди. Бу ерда мавжуд синф хоналарини тўлиқ таъмирлаб чиқдик. Эскирган бино томини олиб ташлаб, янгитдан шифер билан ёпиб бердик. 90 метрлик масофага водопровод қувурлари тортилиб, ичимлик суви бўйича мавжуд имкониятлар яна ҳам яхшиланди. Бу ҳам қурувчиларимизнинг мустақиллик байрамига атаб мактаб ўқувчилари учун холис юракдан чиқарган совғалари бўлди.

Мен суҳбатимнинг сўнгида ушбу қулай имкониятдан фойдаланиб, севимли газетамиз "Тошкент ҳақиқати" орқали барча қурувчиларни ўзларининг касб байрамлари билан қизғин қутлайман. Оилаларига тинчлик, тотувлик тилаб қоламан...

*Суҳбатдош* **Иброҳим ТОШЕВ.**

# УРУҒЧИЛИКНИНГ ҲОМИЙСИ БОРМИ?

## СОҒЛОМ УРУҒ УЧУН

Қадим-қадимдан зироатчилик, деҳқончилик билан шуғулланган ота-боболаримиз, энг аввало уруғга, кўчатга катта эътибор берганлар. Зотан уруғ бўлали, соғлом бўлса, ундан олинадиган ҳосил ҳам салмоқли, баракали бўлади. Зотан биз танаввул қиладиган ноз-неъматлар, озиқ-овқатларнинг ўзаги уруғдир, кўчатдир.

Яхши эслаймиз, бир вақтлари хўжаликлар ўзлари етиштирган сарҳил сабзавот-меваларнинг уруғини ўзлари тайёрлашарди. Дўконларда сотиладиган тилими тилни ёрадиган қовунларнинг сарҳилини шундай бериб юборишмасди. Уруғини олиб қолишарди.

Лекин, собиқ Иттифоқ даврида бу анъана, бу яхши одатлар бузиб юборилди. Сизлар ҳосил етиштириш билан шуғулланаверинглар, хоҳлаган хилдаги уруғингизни бизлар етказиб берамиз, дейишди. Иттифоқ миқёсида сабзавот уруғчилиги, нави билан шуғулланадиган идора, ташкилот фаолият кўрсатди. У ўз атрофига илмий кучларни бирлаштириб, иш олиб борди. Бундай қараганда натижалар ва уруғ таъминоти анча дуруст эди. Бу ташкилот ўзининг жумҳуриятлардаги бўлимлари орқали хўжаликларни, шу жумладан, иссиқхоналарни жамики турдаги сабзавот уруғлари билан таъминлар, сифати, унувчанлиги ҳам ҳар холда ёмон эмасди. Лекин, Иттифоқ тарқалгач, ўз-ўзидан алоқалар узилди, таъминот бузилди. Эндиликда мустақил бўлган жумҳуриятимиз ва унинг вилоятлардаги бўлинмалари уруғчилик билан ўзлари шуғуллана бошладилар. Лекин, рисоладагидек сифатли, кафолатли уруғ олиш, тайёрлаш, уни етказиб беришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Бунинг учун қатор шарт-шароитлар зарур. Каттагина майдонлар шу мақсад учун ажратилиши, элита, супер элита уруғлари етказилиши, уруғчилик хўжаликлари, кимёвий воситалар, техникалар билан ўз вақтида етарли таъминланиши, олимларнинг ўз ишланмаларини ҳаётга тадбиқ этишлари учун уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш керак! Лекин, бу йўлда тўсиқлар, муаммолар қалашиб ётарди. Оқибатда уруғчиликда мушкул аҳвол юз берди. Бозор иқтисоди шароитида маблағ топиш ва ўз-ўзини тебратиш қийин бўлиб қолди. Уруғчилик оқсаб, инқирозга юз тута бошлади. Ҳатто, айтиш мумкинки, бу соҳа эгасиз қолди.

Бу ҳол уруғнинг сифатига таъсир этмай қолмасди. Мана бу йил вилоятда 3 минг гектар майдонга экилган пиёз уруғи ёмон чиқиб қолганлиги учун бузиб экилди. Болгар қалампири, бақлажон сингари сабзавот экинлари билан ҳам шундай аҳвол юз берди. Бир вақтлари бўлали бўладиган помидор ҳосиллари кичрайиб қолди. Голландиядан келтирилган картошка уруғи бизнинг шароитимизга мослашмаганлиги учунми, айрим жойларда ҳосили яхши бўлмади.

Бошқа турдаги сабзавотлар билан ҳам ана шундай аҳвол юз берди. Турп деб эксангиз шалғом чиқиб қолди. Редиска деб экилса, турп чиққан ҳоллари ҳам бўлди.

Албатта, бундан буён уруғчиликни бу куйга ташлаб қўйиб бўлмасди. Бу соҳада туб ўзгариш қилиш учун қандай тадбирларни кўриш керак? Биз ўз-ўзимизни етарли, кафолатли сифатли уруғ билан таъминлай оламизми?

Шубҳасиз, таъмин эта оламиз. Ота-боболаримизнинг тажрибасини, уларнинг йўлини тутсак, анъаналарини тикласак, шунда мақсадга эришамиз. Еримиз ҳосилдор, сув етарли, минтақамизда хориждан келтириладиган уруғлардан ҳам ўн чандон аъло даражада сифатли уруғ олиш мумкин. Бунинг учун эса, уруғчиликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, меҳр билан, ихлос билан ишга киришиш, мутасаддилар билан биргаликда, давлатимизнинг ҳомийлигида бир қатор муаммоларни ҳал этиш талаб этилади.

Яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Юқоричирчиқ туманидаги Ийк ота номли жамоа хўжалигида туман ҳокимликларининг вакиллари, вилоят ва туманлар деҳқончилик саноат ширкатлари уюшмаларининг раҳбарлари, мутахассислар, уруғчиликка дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда ана шу долзарб масала атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Йўлдош Тожибоев очди ва олиб борди.

— Албатта, бу масала янгилик эмас, — деди ҳоким ўринбосари. — Лекин, деҳқончилик тақдири билан боғлиқ бўлган бу соҳада муаммоларнинг тўпланиб қолганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун биз амалий ишга киришишимиз керак. Бугун узундан узоқ маъруза қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин, бир нарса аниқки, уруғчиликка бўлган муносабатни ўзгартирмасдан, жойларда ишни янгичасига ташкил этмасдан, кўзланган натижага эриша олмаймиз. Биз масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошишимиз шарт. Сизларни шунинг учун бу ерга таклиф этдик. Марҳамат, ҳар ким ўз фикрини очиқчасига, дилдан чиқариб айтсин, таклиф бўлса ўртага ташласин, камчиликларни тортинмай кўрсатиб берсин.

Бу гап ҳаммага маъқул бўлди. Йиғилганлар бир оғиздан ҳокимиятнинг бу соҳадаги ишини маъқулладилар, раҳмат дедилар.

Бунинг боиси бор, албатта. Илгарилари хўжаликка мутасаддилар боришганида қанча гектар еринггиз бор, қанча ҳосил олдингиз, яна қанча топширасиз, деб сўрашар, лекин, қандай нав уруғларни экяпсиз, бу уруғлардан кўнглингиз тўляптими, бу соҳада қандай ёрдам керак? — деб камдан кам суриштиришарди. Ваҳоланки, деҳқонларнинг айтадиган дарду ҳасратлари кўп бўлади.

## УЧ ОМИЛ

БУГУНГИ йиғилишда ана шу дарду ҳасратлар очиқчасига тўкиб ташланди. Мана, Зангиота туманидаги "Бўзсув" жамоа хўжалигини олиб кўрайлик. Уруғчиликка иқтисослашган бу хўжалик 1969 йилдан буён шу иш билан шуғулланади. Вилоятда уруғ етиштирадиган ягона хўжаликлардан ҳисобланади. Лекин, ҳозирги кунга келиб мазкур хўжалик ҳам ўз имкониятлари даражасида ишлай олмаяпти.

— Бизнинг хўжалик, — деди сўзга чиққан раис Алишер Ғаффоров, — республика нав уруғчилик идораси тасарруфидадир. Шундай бўлгач, бизнинг нимаики дарду ҳасратимиз бўлса, ўшаларга айтишимиз керак. Улар ёрдам бериши зарур. Чунки, биз улар учун ишлаймиз. Уларнинг 8-10 хилдаги буюртмаси бўйича уруғ тайёрлаймиз ва етказиб берамиз. Лекин, баъзида ишимиз "бор отангга, бор онангга" қабилида бўлиб қоляпти. Айрим масалаларда қўлимиз калталик қиляпти.

Ҳамма яхши билади. Уруғчилик ниҳоятда нозик иш. Бу соҳа деҳқончилигида ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида, сифатли ва меёрида адо этилиши шарт. Лекин, кўп ҳолларда бунга эриша олмаяпмиз. Нега? Бунинг ўз сабаблари бор. Уруғчиликни рисоладагидек йўлга қўйиш учун энг биринчи навбатда мукаммал технология даркор ва бу технология оғишмай амалга оширилиши керак. Унинг амалга оширилиши эса, бир қатор воситаларга боғлиқ. Бизга турли техникалар, гербицидлар ва бошқа дори-дармонлар ўз вақтида етказилиб берилиши керак. Ҳозир бунга эришолмаяпмиз. Биздан уруғ талаб қилишади-ку, лекин, таъминотга келганда ўзларини олиб қочишади. Дейлик, пиёз экини қорасон касаллиги билан оғриб қолди. Вақтида дори сепилмаса, ҳосилдан ажраб қолинади. Бизга бу дорини топиб беришолмади. Қўшни Қозоғистонга бориб ялиниб-ёлворишга тўғри келди. Ва дорини у ердан олиб келиб, экинга сепдик, ҳосилни сақлаб қолдик. Бу бир.

Иккинчидан, сара уруғ олиш учун иқтисослашишга катта эътибор бериш керак. Бу деганим шуки, уруғ учун ҳамма ер ҳам тўғри келавермайди. Масалан, бизда бодринг яхши бўлмайди, лекин, уни режадан чиқаришмайди. Бир неча йилдан буён экишга мажбур бўляпмиз. Арзимаган фоиз миқдорида ҳосил ва уруғ олинади. Шу тўғрими? Ахир бодринг яхши битадиган жойлар бор-ку. Бу экинни ўшандай ерларга экиб, бўлали ҳосил ва сифатли уруғ олса бўлмайдими?

Энг муҳими, топширган уруғимизга ўз вақтида пул ололмаяпмиз. Ахир жамоа хўжалиги бу катта рўзғор, катта оила. Рўзғорни тебратиш учун эса, пул керак. Нима, биз ўзимиз етиштирган уруғни бартер йўли билан бошқа ерларга жўнатиб, ўзимизга керакли воситаларни ўзимиз олайликми, пул ишлайликми? Унда ўзимиз учун керакли уруғлар камайиб кетмайдими? Биз уруғимизга кўз тикиб турган деҳқонлар олдида ким деган одам бўламиз? Мутасадди ташкилотлар бизга бу соҳада амалий ёрдам берсинлар.

## БИРЛАШАЙЛИК ВА УЮШАЙЛИК

— Бу ерда бизнинг илмгоҳда етиштирилаётган сабзавот уруғлари талабга жавоб бермайди, деб айтишди, — деди сўзга чиққан Сабзавотчилик-полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот илмгоҳининг директори Акбар Боқиев. — Эҳтимол бу гапда жон бордир. Лекин, бизнинг олимларимиз, илмий ходимларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Меҳнат қилишяпти, изланишяпти, қийинчиликларни енгишяпти. Ўтган давр ичида илмгоҳимизда сабзавотнинг 25 хил янги нави яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Лекин, очиғини айтганда, бизнинг имкониятларимиз ниҳоятда чегараланган. Буни ҳам ҳисобга олмаса бўлмайди. Янги нав яратиш, уруғ етиштириш — бу жуда нозик, "инжиқ" ишки, бунинг учун катта-катта майдонлар керак, бу ерларда фидойи олимлар, илмий ходимлар ишлаши, уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур. Шундай бўлсинки, олим оила ташвиши, тирикчилиги ҳақида эмас, илмий ишининг самараси ҳақида ўйласин, бош қотирсин. Лекин, биз ҳозирча бундай имкониятга эга эмасмиз. Айниқса, бозор шароитига ўтилгач, аҳвол янада жиддийлашди. Ижтимоий ҳимоя оқсаяпти. Кўп олимлар "мўмай"роқ пул ишлаш учун бошқа ерларга кетиб қолдилар. Бунинг яширадиган жойи йўқ. Бу, албатта, илмгоҳимиз фаолиятида ўзининг салбий аксини топяпти.

Лекин, шунга қарамай ҳаракат қиляпмиз.

Шу нарсани унутмаслик кераккки, уруғчиликни яхши йўлга қўйиш фақат бизларга, илмгоҳга боғлиқ эмас. Биз деҳқонлар, тажрибакорлар бирлашишимиз, уюшишимиз, ўзаро ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Деҳқонда тажриба бор, ихлос бор, ер бор. Биз олимлар уларга услубий раҳбарлик қилсак, натижа яхши бўларди. Шу асосда ҳар бир хўжалик ўзига керакли уруғликни ўзи етиштирмаса бўлмайди. Бунинг учун 4-5 хўжаликнинг экин майдонлари базасида, уюшма, ассоциация ташкил этайлик. Ассоциациянинг кенгаши бўлади. Раҳбари бўлади. Ана шу орқали ишлар бажарилади. Ана шу йўл билан уруғчиликни илмий асосда, оқилона жойлаштириш мумкин бўлади. Бизда эса, уруғчилик ҳамма ерга тарқатиб юборилган. Боя тўғри айтишди. Экин, айниқса, уруғчиликка мўлжалланган экин ер танлайди. Бодрингни ўз жойи бор. Помидорнинг ҳам. Масалан, бизнинг вилоятимиз иқлим шароитида — Бўстонлиқ, Паркент туманларида картошка яхши бўлади. Чунки, бу туманлардаги иқлим шароити анча мўътадил, ҳавоси салқин. Демоқчиманки, дуч келган ерга экин экиб, ундан кўнгилдагидек уруғлик олиб бўлмайди.

## ЙЎЛ БИТТА

БУ МУЛОҲАЗАЛАР, эътироз, таклифлар, талаблардан келиб чиқадиган хулоса шуки, уруғчиликни "қўлга олиш керак". Унинг ҳомийси бўлиши шарт. Ҳар бир туманда уруғчиликка иқтисослаштирилган махсус хўжаликлар ташкил этиш зарур ва шарт. Ана шу йўл билан уруғликни изга солиб, қаддини тиклаб олиш мумкин. Чунки, уруғлик экинни ўстириш, парваришлаш ва ҳосилини йиғиб-териб, уруғини ажратиш ниҳоятда серташвиш ва маҳорат, чидам, сабот талаб қиладиган ишдир.

Йиғилишда шундай бир таклифни ўртага ташлашди. Ҳозир техника замони. Ҳатто, бодроқ пишириш учун ҳам техника бор. Хўш, нега уруғни ажратиб оладиган техникалар ишлаб чиқилмайди? Айниқса бақлажон, болгар қалампирининг уруғини олиш ниҳоятда мушкул. Нега, лаоқал шу экинларнинг уруғини оладиган техника яратилмайди. Бунинг учун олимларимизга нима керак, нима етишмайди?

Уруғ — бу халқ ризқ-насибасининг баракаси. Бу йилги экиладиган уруғ 1996 йилда ҳосил беради. Шунинг учун ҳам уруғликда иложи борича тажрибали, фидойи, пок, ҳалол одамлар ишлаши талаб этилади. Масалан, помидорни олайлик. Уни эрта экиб, обдон пишириб йирик ва энг сарҳилидан уруғ олинса, бу уруғдан етишадиган ҳосил ҳам йирик бўлади. Лекин, яшириб нима қиламиз, айрим ҳолларда уруғ майда-чуйдасидан, касалланганидан ҳам олинаверади. Қани инсоф, қани диёнат?

Касаллик ердан тарқалади. Ҳеч ким "мана бу дорини сепсанг ҳашорат йўқ бўлади", деб кафолат бера олмайди. Шунинг учун ҳам масъулият керак. Айрим ҳолларда юқоридан келадиган баъзи мутахассислар масъулиятни сезмайдилар. Сўраб-суриштирмай, текшириб кўрмай яроқсиз, касалланган ҳосилдан олинган уруғларни ҳам "расмий"лаштириб бераверадилар. Оқибатда деҳқон ишонади, экади, меҳнат қилади. Лекин, чув тушиб қолади.

Уруғлик етиштирадиган деҳқонларнинг таъминоти, моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор берайлик. Сабзи, пиёз уруғини етиштиришдан кўпинча зиён кўрилади. Шундай қилиш кераккки, бу соҳа билан шуғулланадиган деҳқон сара уруғ олса, асло зиён кўрмаслиги керак. Рағбатлантирилган ҳақ тўлаш зарур унга.

Яна бир мулоҳаза. Уруғ тақдирини фермер деҳқонларга ишониш керакми, йўқми? Бу ҳақда ҳам пухта ўйлаш керак. Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, деҳқон-фермер энг биринчи навбатда ўз манфаатини ўйлайди. Ҳосилнинг сарҳилларини уруғ учун қолдирмай, бозорга олиб бориб сотиш ва катта даромад олиш пайидан бўлади. Шунинг учун бундайларга талабни бошқача қўйиш керак. Улар етиштирадиган уруғ учун юқори ҳақ тўлаш билан бирга бир-икки хилдан ортиқ уруғ етиштирмасликлари ҳақида келишиб олиш шарт. Ахир ўзингиз ўйланг, бир тонна бодринг ёки помидордан бор йўғи 1—1,5 килограмм уруғ олинади. Деҳқон одатда ана шу 1 тоннадан оладиган фойдасини шу уруғдан кўрсагина бу соҳага қизиқиши ортади.

Иссиқхоналарда экиш учун ишлатиладиган уруғ фақат иссиқхона шароитида тайёрланиши керак. Бу табиий ҳол. Лекин, айрим "ишбилармон" фермерларнинг очиқ далада етиштирилган уруғни иссиқхонада экиш учун тавсия қилаётганликлари ва сотаётганликлари ташвишлидир. Албатта, бундай уруғлардан иссиқхоналарда яхши ҳосил битмайди. Бу соҳада ҳам қаттиқ тартиб ва назорат ўрнатиш керак.

Йиғилишда сўзга чиққан республика сабзавот нави ва уруғчилиги идораси бошлиғи Б.Тошхўжаев, шу идоранинг Тошкент вилояти бўлими бошлиғи Т.Миркомилов, "Тошмевасабзавотузумсаноати" бошқармаси бошлиғи К.Шокиров ва Қибрай туманидаги "Турон" жамоа хўжалиги раиси Н.Тожибоев ва бошқа ўртоқлар ана шу сингари қатор мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Муаммоларни кўпроқ ўзимиз ҳал этиш йўлларини қидиришимиз, бундан кейин ҳар бир хўжалик ўзини-ўзи уруғлик билан таъминлашини кўзлаб иш олиб бориш керак, деган таклифларни ўртага ташладилар.

— Бу ерда ҳақли талаб-эътирозлар бўлди, — деди йиғилишга якун ясаб Й.Тожибоев. — Биз буларни, албатта, ҳисобга оламиз. Деҳқонларимиз ҳеч сўзсиз сифатли элита уруғлари билан таъмин этилиши шарт. Уруғ етказиб бериш ва унинг таъминотида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Бунинг учун зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Мутасаддилар давлатдан қарз олиб бўлса ҳам уруғ етказиб берадиган хўжаликларга маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўласинлар, бизга тушаётган айрим шикоятларда уруғ таъминотида муаммолар борлиги айтиляпти. Хўжаликлардан уруғ олгани борган одамларни омборчилар турли баҳоналарни рўкач қилиб, сарсон қилишяпти. Беришмаяпти. Бу билан улар экин-тикин ишларининг сурилиб кетишига сабаб бўлаётганликларини наҳотки тушунмайдилар. Биз бунга асло йўл қўймаймиз. Бундай ҳатти-ҳаракатларнинг йўли тўсилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилишга келишилди.

**Н.РИХСИЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.**

# "ШОҲИСТА" ЧЕВАРЛАРИ

ЧИНОЗ шаҳрининг марказига жойлашган "Шоҳиста" фирмаси олдида одам тирбанд. Биз ҳам қизиқиб шу ерга яқинлашдик.

— Айтинг-чи, бизга ҳам етадими?— сотувчидан сўради навбатда турган бир қиз.

— Қаерники экан?

— Ҳойнаҳой Олмонияники бўлса керак.

— Нималар деяпсиз! Бу моделдаги кўйлакларни ўзимизнинг "Шоҳиста" фирмамизда тикяпмиз-ку.

Агар, сиз хоҳласангиз бошқа рангдаги матолардан ҳам шу фасонда буюртма қабул қиламиз...

Дарҳақиқат, бу ер ҳамиша буюртмачилар билан гавжум бўлади. Улар ўзлари истаган газлама ва фасонни танлаб, миллий ҳамда оврупо кўйлакларни, костюм-шимларни буюриб кетадилар. Чеварлар эса олинган буюртмаларни тез ва сифатли бажаришга ҳаракат қиладилар. Тикувчилар буюртмачиларнинг олқишига сазовор бўлишлари боиси ҳам шундан.

Фирма директори Анвар Бўриев биз билан суҳбатда шундай деди:

— Кенг тармоқли "Шоҳиста" хусусий фирмамизнинг меҳнат фаолиятини бошлаганига эндигина тўрт ой бўлди. Илгари бу бино туман маиший хизмат кўрсатиш марказига қарашли эди. Биз хусусийлаштирганимиздан сўнг катта таъмирлаш ишларини ўтказдик. Хизмат турларини оширдик. Кўплаб ёшларни ишга қабул қилдик. Илгари 20 нафар тикувчи ишлаган бу жойда ҳозир 70 дан ортиқ хотин-қиз шартнома асосида меҳнат қиляпти. Уч ойлик якунга кўра 13 миллион 335 минг сўмлик соф даромад қилдик. Тикувчиларимизнинг ҳам маошлари анча баланд. Ҳозир фирмамизда аёллар учун сартарошхона, суратхона, соат таъмирлаш устахоналари фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари трикотаж цехини ҳам ташкил қиляпмиз. Жемпер тўқийдиган 10 та машина келтириб қўйдик. Мутахассислар тайёрлаш учун меҳнат биржаси орқали 12 нафар қизни тўқувчиликка ўқитяпмиз. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, дастлаб иш бошлаганимизда хом ашё топиб келтиришдан бироз қийналдик. Бугунги кунда бу муаммо ҳам ҳал бўлди. Тошкент ҳамда Бухоро ип-газлама корхоналари билан шартнома туздик. Бу корхоналар бизни хом ашё билан мунтазам таъминлаб туради. Фирмамизда тикилаётган кўйлаклар, шимлар, турли хилдаги халатлар фирмамиз қошида сотиляпти. Маҳсулотларимизга талаб кундан-кунга ошяпти...

Дарҳақиқат, директор айтганича бор. Бу ерда ҳозир мижозлар диди ҳисобга олиниб иш қилиняпти. Шунга мувофиқ буюмлар ассортименти тез-тез ўзгартирилиб турилибди. Яна шуни айтиш керакки, фирманинг ўз модельерлари бор. Улар мижозларнинг ёшини, дидини ҳисобга олишяпти. Сифат ва самарадорликни ошириш, иқтисод ва тежамкорликка эришиш аҳил жамоанинг ҳозирги кундаги муддаосидир.

Фирма чеварлари ўртасида ўзаро беллашиб ишлаш яхши йўлга қўйилган. Қайси бир чеварнинг чоки сифатли, тиккан кўйлаги бежирим бўлса, ой якунида унга мукофот берилади.

— Ҳамкасбларимиз янгича ишлаш усули афзалликларини тушуниб етдилар,— дейди чевар Санобар Орипова.— Тиккан маҳсулотларимиз яхши харид қилинмаса ёки мижозлар кўнглига ўтирмаса, демак, тикувчилар кам ҳақ олишади. Шу туфайли чиройли, пишиқ тикишга биринчи галда эътибор беряпмиз.

Ҳақиқатан ҳам бу ерда ёш тикувчиларга ғамхўрлик катта. Тажрибали чеварлар ёшларга ўз маҳоратларининг сирларини қунт билан ўргатадилар. Бир сўз билан айтганда, фирмада ёшларнинг билими билан катталарнинг тажрибаси пайванд бўлиб кетган. Бу эса ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга олиб келяпти.

Ким Роза, Дилбар Икромова каби моҳир чеварлар ёшларга замонавий машиналарни бошқаришни ўргатмоқдалар.

Фирма жамоаси йиғилишларда бемалол, тортинмай, баҳслашишяпти, чунки, сифатни ошириш ҳамманинг жон куйдиришини талаб этади. Бу ерда инсон омилига эътибор катта. Дам олиш хонаси мавжуд. Шу боис фирма жамоаси хизмат турини янада ошириш, эркаклар, аёллар, болалар учун хилма-хил материаллардан турли-туман пальтолар тикиб, жемферлар тўқиб, эл олқишига сазовор бўлиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Т. ЭРХЎЖАЕВ.**

# НАҚД ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИШ ВА СОТИБ ОЛИШНИНГ ЯНГИ КУРСИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Марказий банки 6 августдан бошлаб нақд чет эл валютасини янги курсини сотишда – 21 сўм ва сотиб олишда – 19 сўм миқдорида белгилади (биринчи августдан эса 1 долларни 22 сўмга сотиш ва 20 сўмга сотиб олиш белгиланган эди). Шу билан бирга нақд валютани сотиш вақтида олиб қолинадиган 5 фоиз воситачилик ҳақи бекор қилинди.

– Бу йиғимнинг бекор қилиниши республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган алмашув пунктлари кассирлари ишини бирмунча енгиллаштирди, – деб тушунтирди Марказий банкнинг валютани бошқариш ва ташқи алоқалар департаменти директорининг муовини Равшан Ғуломов.

Ўзбекистон Республика ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланганидек, республикамизнинг ҳар бир фуқароси шу йилнинг охиригача бўлган муддатда 250 долларгача миқдордаги АҚШ валютасини эркин сотиб олиш имкониятига эга.

Бунинг учун алмашув пунктларида барча шароит яратилган. Ҳар бир фуқаро 250 долларгача бўлган миқдордаги валютадан қанчасини сотиб олмоқчи бўлса, хоҳиши қондирилмоқда. Марказий банкнинг валютани бошқариш ва ташқи алоқалар департаменти ходимлари ўтказган кузатувдан маълум бўлишича, алмашув пунктларида ҳар бир фуқарога сотилган АҚШ валютасининг миқдори ўртача 40 долларни ташкил этмоқда.

Аҳолидан чекланмаган миқдорда эркин айирбошланадиган валюта сотиб олинмоқда.

Ҳозирги кунда республикада 192 та ихтисослашган валюта алмашув пункти ишлаб турибди. Шулардан 83 таси Марказий банк тизимида, 109 таси эса ташқи иқтисодий фаолият миллий банки муассасаларидадир. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзидагина 41 та алмашув пункти мавжуд. Ҳар куни ўртача бир минг нафар республика фуқароси ва хорижлик меҳмонлар алмашув пунктларига мурожаат қилмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, эркин муомаладаги валютанинг сотилиши Тошкент шаҳрида ва Навоий вилоятида юқори даражада бўлди.

Сўмни АҚШ долларига бозорда алмаштириш масаласига келганда, шуни айтиш кераккки, бир неча сўм ёки долларни иқтисод қиламан деб панд еб қолганлар ҳам кам эмас. Чунки, бозорда сотилаётган долларнинг қалбаки эмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Марказий банк ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки алмашув пунктлари эса валюталарнинг қалбаки ёки ҳақиқий эканлигини аниқлай оладиган замонавий жиҳозлар билан таъминланган ва уларда махсус тайёргарликдан ўтган юқори малакали мутахассислар ишламоқда.

Алмашув пунктлари ишининг дастлабки якунлари шуни кўрсатмоқдаки, нақд чет эл валютасини сотиб олувчилардан кўра уни сотувчилар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Бундай ҳолатни кўпчилик мижозлар миллий валютамиз – сўмни нафақат республикамиз фуқаролари, ҳаттоки, хорижлар томонидан ҳам эътироф этилаётганлиги билан боғламоқдалар. Демак, миллий валюта – сўмнинг харид қобилияти ошишига кўпчилик ишонч ҳосил қилмоқда.

Алмашув пунктлари ишининг тўғри ташкил этилгани туфайли жойларда фуқароларнинг кўплаб тўпланиб қолиши ва турли хил кўнгилсиз воқеалар содир этилиши кузатилмади.

**ЎЗМАРБАНК МАТБУОТ ХИЗМАТИ БЎЛИМИ.**

# "МЕН БИЛАН ПАРВОЗ ҚИЛ!"

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Шарқ мамлакатлари авиациясида етакчи ўринни эгаллайди". — Англия пойтахтида чоп этиладиган "Санди экспресс" газетаси миллий авиакомпаниямиз ҳақидаги "Салом, мен Ўзбекистонман. Мен билан парвоз қил!" мақоласида ана шундай деб ёзди.

Дарҳақиқат, миллий авиакомпаниямиз мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг ўтган қисқа муддат ичида жаҳоннинг "Бритиш Эйрвейз", "Люфтганза" каби машҳур компаниялари қаторидан ўзига муносиб ўрин топа олди. 15 та янги халқаро йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Лондон, Деҳли, Франкфурт, Истамбул, Жидда, Куала Лумпур, Тел-Авив каби йўналишлар шулар жумласидандир. Шуниси қувончлики, йўловчилар авиакомпания хизматидан беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Авиакомпания эришилган ютуқлар билан чекланаётгани йўқ. У хизмат сифатини яхшилашга, йўналишлар сонини оширишга интилмоқда. Жумладан, яқин орада Эроннинг Машҳад шаҳрига самолётлар қатновини йўлга қўйиш ва у ерда авиакомпания ваколатхонасини очиш режалаштирилмоқда.

"Санди эскспресс" газетаси мақолада "Ўзбекистон ҳаво йўллари" бош директори Ғани Рафиқовнинг "Бизнинг шиоримиз хавфсиз ва қулай парвоздир", сўзларини келтирар экан, мамлакатимизда барқарор иқтисодий вазият қарор топганини таъкидлайди. Жаҳон сайёҳларини мамлакатимиздаги қадимий обидаларни, диёримизнинг дилкушо масканларини томоша қилишга даъват этади.

**А.КАРИМОВ (ЎзА)**

# "Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги"

Республикамизда ўтаётган кўрик-танлов шундай деб аталади. Уни "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси ҳамда "Халқ сўзи" газетаси ташкил этган. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги арафасида танловнинг иккинчи босқичи якунланди. Экологлар, шифокорлар, журналистлардан иборат махсус ишчи гуруҳлари текшириш давомида атроф муҳитнинг ҳолатини, Ўзбекистон туманлари ва шаҳарларида соғлиқни сақлаш ҳамда ободончилик даражасини аниқладилар.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича Самарқанд энг яхши шаҳар деб эътироф этилди. Бу ерда минг гектардан ошиқ дарахтзор ва гулзор бор. Қадимги шаҳарни 44 та боғ, хиёбон, кўм-кўк дам олиш зоналари безаб турибди. Шаҳар ташкилотлари ҳаво ва сувнинг тозалигини қаттиқ назорат қилади. Сўнгги вақтда шаҳарда жойлашган саноат корхоналари ҳавога чиқарадиган зарарли моддалар анча камайди, натижада самарқандликларнинг саломатлиги бир мунча яхшиланди. туманлар орасида Тошкент вилоятининг Бекобод, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманлари ғолиб чиқди. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган Бекобод хўжаликларининг тажрибаси диққатга сазовордир. Бу ерда ўтган йилдагига нисбатан турли кимёвий моддалар икки баравар кам ишлатилмоқда. асосий эътибор ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Шу мақсадда туманда барпо этилган биофабрика хўжаликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кушандалари билан таъминламоқда.

Қашқадарё вилоятидаги Китоб тумани маъмурлари ҳам шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга катта эътибор беришмоқда. Туман аҳолисининг саксон фоизидан кўпроғи табиий газ ва сифатли ичимлик сув билан таъминланган. "Мингчинор" мавзесида туман аҳолиси учун соғломлаштириш зонаси, қарағайзор барпо этилган. Туман маркази, хиёбонлар, боғлар ва шохкўчалар қайта қурилди. Тумандаги бўш ётган 20 гектар ерга бир ярим миллион тупга яқин терак экилди. Бу йилги сел ва тошқиндан зарар кўрган 130 оила учун қисқа муддатда "Жавзобод" уй-жой даҳаси қурилди. Маҳаллий ҳокимият, туман соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология ташкилотларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари яхши натижа берди. Масалан, туман аҳолиси орасида юқумли сариқ касалига чалиниш икки баравар камайди.

"Экосан" Ўзбекистон халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ўз маблағи ҳисобидан кўрик-танловда ғолиб чиққан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари учун рағбатлантирувчи мукофот белгилади. Бу пул атроф муҳитни муҳофаза қилишга, ободончилик ишларига, маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотларининг эҳтиёжлари учун сарфланади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**


## КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

### Ангрен картон-идиш комбинати корхона ва ташкилотлардан

МС-6 русумли қоғоз чиқиндилари (картон ва картон буюмлари)ни қуйидаги нархда қабул қилади: тоннасини 700 сўмдан, пул ўтказиш орқали, қолган русумдаги чиқиндиларнинг тоннасини 550 сўмдан.

Қоғоз чиқиндилари аҳолидан қуйидаги халқ истеъмоли молларига айирбошлаш йўли билан қабул қилинади: сигаретлар, кир ювиш пастаси, хўжалик ва атир совун, эркаклар кўйлаги, тиш ювиш пастаси, шампунь, гуруч, макарон маҳсулотлари, майонез, қуюлтирилган сут, салат ёғи, вино.

***Тошкент шаҳридаги аҳолидан қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари (қ/п) ва маълумотлар олиш учун телефон рақами: 41-34-10.***

| | | |
|---|---|---|
| Ҳамза тумани: | қ/п № 6 | - Динамо кўчаси, 72 |
| | қ/п № 39 | - Шолохов кўчаси |
| | қ/п № 52 | - Мальков кўчаси |
| | қ/п № 25 | - Бирлашган кўчаси 37/2 |
| | қ/п № 60 | - Лисунов кўчаси |
| | қ/п № 77 | - Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси 1-квартал |
| | қ/п № 73 | - Фарғона йўли, 95 |
| Миробод тумани: | қ/п № 24 | - 2-Мирсолиҳов берккўчаси |
| | қ/п № 49 | - Подьемник кўчаси, 1 |
| | қ/п № 8 | - Октябрь кўчаси, 22, тел. 91-08-62 |
| Чилонзор: | қ/п № 10 | - 26-квартал, тел. 72-02-89 |
| | қ/п № 11 | - Жарқўрғон кўчаси, 47, тел. 96-52-71 |
| Олой бозори | қ/п № 12 | - Малясов кўчаси, 2, тел. 35-06-10 |
| Самарқанд шаҳри | қ/п № 17 | - Беруний кўчаси, 117, тел. 24-02-44, 24-21-36 |

| | | |
|---|---|---|
| Фарғона шаҳри | қ/п № 18 | - Қувасой кўчаси, 61, тел. 4-50-73 |
| Каттақўрғон шаҳри | қ/п № 19 | - Толстой кўчаси, 121, тел. 5-22-48 |
| Қўқон шаҳри | қ/п № 20 | - Совет кўчаси, 62, тел. 2-31-91 |
| Янгийўл шаҳри | қ/п № 21 | - Гагарин кўчаси, 1, тел. 7-50-64 |
| Ангрен шаҳри | қ/п № 1 | - Навоий кўчаси, 22 |
| | қ/п № 2 | - Южний кўчаси, 43, АКТК ётоқхонаси |
| | қ/п № 3 | - 5/5 квартал, 14-уй |
| 2-Янгиобод шаҳри | қ/п № 4 | - қурилиш ашёлари дўкони |
| Нуробод шаҳри | қ/п № 5 | - "Универсам" дўкони |
| Бекобод шаҳри | қ/п № 6 | - 13-дўкон |
| Олмалиқ шаҳри | қ/п № 7 | - Тошкент кўчаси |
| Бўка шаҳри | қ/п № 8 | - Босмахона |
| Андижон шаҳри | | - Октябрь кўчаси, 14, тел. 5-41-43 |
| Урганч шаҳри | | - тел. 3-35-88 |

